# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● http://xs.uz ● E-mail: Info@xs.uz ● 2012 йил 10 май, № 91 (5511) Пайшанба


# ИНСОН ХОТИРАСИ – БОҚИЙ, ҚАДР-ҚИММАТИ – УЛУҒ

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 9 май – Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда.***



Хотира — аждодларга юксак ҳурмат ва эҳтиром ифодаси. Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Президентимиз томонидан истиқлолнинг илк йилларидан эл-юртимиз тақдирига дахлдор тарихий адолатни тиклаш, аждодларимизнинг эзгу ишлари, жасоратини улуғлаш ва абадийлаштириш, мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлашга қаратилаётган эътибор халқимизнинг ана шундай ўлмас қадриятлари, бебаҳо маънавий фазилатларини намоён этиб келмоқда.

Иккинчи жаҳон урушида жасорат кўрсатган, оловли майдонларда ўз юртининг тинчлиги ва озодлиги, оиласи, фарзандларининг хотиржамлиги учун курашган инсонлар мудом халқимиз ардоғида. Беаёв жангларда жон фидо қилган боболаримиз хотираси қалбларимизда абадий яшайди. Бугун орамизда яшаётган 6 минг 600 нафардан зиёд Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига давлатимиз томонидан ҳар томонлама эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йил 18 апрелда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони мамлакатимизда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига кўрсатилаётган эҳтиромнинг яна бир ёрқин ифодасидир. Мазкур Фармонга мувофиқ, барча шаҳар ва туманларда, қишлоқ ва маҳаллаларда уруш қатнашчилари ва ногиронларига пул мукофотлари топширилди.

9 май. Пойтахтимиздаги табаррук масканлардан бири — Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, ҳукумат аъзолари, сенаторлар, депутатлар ва ҳарбийлар, кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюрди.

Майдон узра маҳзун мусиқа таралади.

Соат 9.00. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун мамлакатимизда буюк тарихий сана, яъни Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан ғалаба қозонилган куннинг 67 йиллиги нишонланмоқда, — деди Ислом Каримов. — Пойтахтимиз Тошкентда, шаҳар ва қишлоқларимизда халқимиз Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган маросимларни бажо келтирмоқда. Аввало, ана шу аёвсиз урушда қатнашганлар, жанг майдонларидан қайтмаган барча юртдошларимиз хотираси олдида бош эгиб, таъзим қилмоқда.

Бугун сафимизда эсон-омон, бардам бўлиб, барчамизга маънавий мадад бериб, ибрат бўлаётган уруш қатнашчиларини чин қалбимдан табриклаш, уларга узоқ умр тилаб, ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Агар ана шу даҳшатли урушда 1,5 миллион юртдошларимиз қатнашганини, шулардан тахминан 500 минг ватандошимиз ҳалок бўлганини инобатга оладиган бўлсак, Ўзбекистонда ўша пайтдаги хонадонларнинг бирортасини бу фожиа четлаб ўтмагани аён бўлади.

Орадан йиллар ўтади, замонлар ўтади, лекин халқимизнинг кўксидаги, қалбидаги мудҳиш уруш азоб-уқубатлари, айрилиқ яраси ҳеч қачон унутилмайди.

Барчамизнинг ишончимиз комил: фашизмга қарши курашда ўз она-юртининг тинч, осойишта ҳаётини, беғубор осмонини асраш учун мардлик, жасорат ва қаҳрамонлик кўрсатган, жон фидо этган юртдошларимизнинг хотираси абадий яшайди, халқимиз ўз ўғлонларининг азиз номларини миннатдорлик билан эслайди, уларнинг охирати обод бўлишини Яратгандан сўрайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Ўтганлар хотирасини ўз ёдида сақлаб, эъзозлаб яшаш халқимиз учун энг муқаддас фазилат бўлиб келган. Бундай одат миллий қадриятимизга айланиб, қон-қонимиз, суяк-суягимизга сингиб кетган. Ушбу қадрият халқимизнинг ўзига хос, бошқалардан ажралиб турадиган ноёб фазилатидир. Шунинг учун ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини биз катта байрам сифатида нишонлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, жаҳон тарихида даҳшатли из қолдирган, собиқ Совет Иттифоқида яшаган 27 миллион одамнинг умрига зомин бўлган, халқимизга қанча азоб-уқубатлар, йўқотишлар олиб келган, қанча аёлларнинг бева-бечора, қанча болаларнинг етим қолишига сабаб бўлган бу ёвуз офатнинг ҳаётимизда қолдирган изи, асорати ҳар қанча вақт ўтсада, ҳеч қачон эскирмайди, унутилмайди.

Президентимиз бундай мудҳиш ва аёвсиз урушнинг яна такрорланмаслиги учун унинг олдини олиш, илдизи билан йўқ қилиш ҳозирги вақтда энг долзарб, энг муҳим муаммо бўлиб қолаётганини таъкидлади.

Дунёнинг кўплаб минтақаларида бугун давом этаётган қарама-қаршиликлар, қуролли тўқнашувлар, қонли фожиалар, ён-атрофимиздаги нотинч аҳвол ҳар биримиздан доимо сезгир ва огоҳ бўлиб яшашимизни талаб қилади. Қўшни Афғонистонда бундан 30 йил муқаддам бошланган нотинчликнинг ҳали-бери охири кўринмаяпти. Бу нафақат Ўзбекистон учун, халқимиз учун, умуман, минтақамизда яшаётган барча одамлар учун катта хавф-хатардир. Ўз юрти, оиласи, фарзандларининг келажагини ўйлайдиган ҳар бир инсонни бу ташвишга солиши табиий. Халқимизда "Қўшнинг тинч — сен тинч" деган мақол бежизга айтилмаган, деди Ислом Каримов.

Бугун фашизм устидан қозонилган ғалабага 67 йил бўлишига қарамасдан, минг афсуски, жаҳоннинг турли мамлакатларида, турли ҳудудларида фашизм деган офат яна бош кўтараётгани, миллатчилик каби жуда хавфли бало тобора тарқалиб бораётганини сезмаслик, кўрмаслик, бундай хавф-хатарларга бепарво бўлиб яшаш кутилмаган оғир оқибатларга олиб келиши муқаррар.

Такрор айтишга тўғри келади: бундай таҳдидларни ўз вақтида сезиш, уларнинг ёвуз башарасини очиб бериш бугунги замоннинг талаби.

Шулар ҳақида гапирар экан, Президентимиз бундай офатларнинг олдини олиш, бартараф қилиш йўлида яна бир муҳим масалага жамоатчилик эътиборини жалб қилиш зарурлигини қайд этди.

Бугунги кунда Ўзбекистонимиз эришаётган, дунё тан олаётган марралар ҳақида сўз юритганда, уларга замин бўлган кўпгина сабабларни келтириш мумкин. Лекин халқимиз қўлга киритган бу натижаларнинг негизида турган асосий омил — буни бугун ҳеч кимга тушунтириб беришнинг ҳожати йўқ, деб ўйлайман — мустақиллик даврида одамларимизнинг дунёқараши, ҳаётга, меҳнатга, ўз касбига бўлган муносабати кескин ўзгариб бораётганида яққол намоён бўлмоқда, деб таъкидлади Ислом Каримов.

Бир сўз билан айтганда, халқимизнинг мустақил фикрлаши, маънавий олами, ижтимоий фаоллиги ўсиб бораётгани барча-барча ютуқларимизнинг пойдеворига, куч-қувватимиз манбаига айланаётганини сезиш, кўриш қийин эмас.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари, эришилаётган ютуқларнинг негизида, аввало, инсон омили мужассам. Истиқлолимизнинг 21 йиллигини нишонлаш арафасида турибмиз. Тарихан шу қисқа даврда мустақил Ватанимизда халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, инсон омили туфайли қўлга киритаётган ютуқларимизни бугун дунё тан олмоқда, кўплаб мамлакатлар бизга ҳавас билан қарамоқда. Яқинда пойтахтимизда энг муҳим соҳалар — соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаларига бағишлаб ўтказилган халқаро анжуманларда ҳам бу ўзининг яққол тасдиғини топди.

2012 йилни "Мустаҳкам оила йили" деб эълон қилганимизнинг замирида ҳам мамлакатимизда инсон манфаатлари устуворлиги, ҳар бир инсоннинг ўз халқи, оиласи, Ватани тақдирига дахлдор бўлиб яшаши каби эзгу мақсадлар мужассам, деди давлатимиз раҳбари.



Ана шундай омиллар туфайли юртимизда тинчлик ва барқарорлик мустаҳкамланиб, кўп миллатли мамлакатимизда ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик тобора кенг қарор топаётгани ҳаётимизда асосий ҳал қилувчи кучга айланиб бораётганини таъкидлаш ўринлидир.

Президентимиз бугунги тинч-осойишта кунларнинг қадрига етиш, мустақиллигимизни мустаҳкамлаш масалалари ҳақида тўхталар экан, ўсиб келаётган ёш авлод истиқлолимиз тарихини чуқур ўрганиши, бундай кунларга осонлик билан эришилмаганини тушуниб, англаб етиши зарурлигини алоҳида таъкидлади. Чунки эртанги кун ёшлар қўлида. Ҳал қилувчи куч сифатида кириб келаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга ишонч билдириш лозим.

Мустақиллигимиз тарихини ўрганишда давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида" китоби барчамиз учун ишончли манба ва муҳим амалий қўлланма бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу маънода, бугун нишонланаётган Хотира ва қадрлаш маросимининг маъно-мазмуни, яъни ўтганларни эслаш, ҳаёт бўлганларни қадрлаш, Ватанни ҳимоя қилиш, уни дахлсиз сақлаш каби олижаноб фазилатларни ёш авлодимизнинг онгу тафаккурига сингдириш, фарзандларимиз, болаларимизнинг биз киммиз, кимнинг авлодимиз деб, ота-боболаримизнинг жасоратидан ибрат олиб, мана шу мусаффо осмонни, она-юртимизни биз асрамасак, ким асрайди, деган эътиқод билан яшаши, ҳеч шубҳасиз, бугунги ва эртанги ҳаётимиз учун жуда катта аҳамиятга эга, деди Ислом Каримов.

Буларнинг барчаси бизнинг кучимизга куч, қудратимизга қудрат қўшиши, эртанги кунга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаши табиийдир.

Пировардида Президентимиз бугунги кундаги энг долзарб вазифаларимиз ҳақида алоҳида тўхталди.

Аввало, дунёда, узоқ-яқин минтақаларда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга бепарво, лоқайд бўлмасдан, бошқаларнинг дардини ўзимизга яқин олиб, доимо огоҳ, сергак ва ҳушёр бўлиб, халқ ва Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси билан яшашимиз зарур.

Айни вақтда миллий армиямизни, халқимизнинг тинч-осуда ҳаёти ҳимоясида посбон бўлиб турган Қуролли Кучларимизнинг салоҳияти ва қудратини янада ошириш, мухтасар айтганда, миллий армиямиз том маънода халқимизнинг ғурур-ифтихорига айланиши учун ҳисса қўшиш — барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиши керак.

Биз доимо ўз имкониятларимиз, куч-қудратимизга таяниб-суяниб яшаганмиз ва келажакда ҳам шундай бўлажак, албатта.

Биз ўз олдимизга ота-боболаримиз орзу қилган, керак бўлса, жонини ҳам аямаган улуғ мақсадни, яъни Ўзбекистонимизнинг ҳеч кимдан кам бўлмаган ҳаёт даражасига эришиши ва буюк давлат қуриш вазифасини қўйганмиз.

Ана шу йўлда Яратгандан халқимизни, Ватанимизни ёмон кўзлардан сақлашда ўзи мададкор бўлишини сўраймиз. Биз ўзимизнинг эзгу мақсадларимизга албатта эришамиз, деди Ислом Каримов.

Мотамсаро она ҳайкали пойи шу куни анвойи гулларга бурканди. Муаззам майдон оқшомга қадар юрт тинчлиги ва озодлиги, авлодларнинг порлоқ истиқболи учун жон фидо қилган ватандошларимиз хотирасига ҳурмат бажо этиш учун келган зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**(ЎзА).**

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

# Меҳру мурувват, саховат айёми

*Аждодлар хотирасига эҳтиром кўрсатиш, кексаларни қадрлаш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Зеро, тарихий хотирасиз келажак йўқ. Ана шундай фазилатлар, эзгу анъаналар улуғланган халқнинг бугуни фаровон, истиқболи ёруғ бўлиши, шубҳасиз. Айни чоғда истиқлол бизга инсон қадрини сарбаланд этиш, савоб ишларга эш бўлиш бахтини берди.*

*Мамлакатимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни сифатида кенг нишонланиб келинаётгани бунинг ёрқин ифодасидир. Бу йил ҳам мазкур сана юртимизнинг барча ҳудудларида катта тантана билан кутиб олинди.*

## Байрам тадбирлари

Чунончи, **ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**да ҳам Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланди. Эрта тонгдан Нукус шаҳридаги Хотира майдонига йиғилганлар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийлари бир пиёла чойга таклиф қилиндилар.

Айтиш жоизки, Президентимиз Фармони асосида ҳудуддаги 213 нафар уруш қатнашчиси моддий рағбатлантирилди. Шунингдек, меҳнат фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватланди.

Байрам тадбирларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси М. Ерниязов иштирок этди.

**АНДИЖОН вилояти**да Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тантанали маросимга йиғилган уруш ва меҳнат фахрийларини вилоят ҳокими А. Усмонов қутлади.

Тадбир қатнашчилари Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Алишер Навоий номидаги истироҳат боғи амфитеатрида концерт ташкил этилди. Байрам дастурхони атрофида нуронийлар бугунги тинч, осойишта ва фаровон ҳаётга шукроналар айтишди.

**СИРДАРЁ вилояти**да ҳам ўтганлар хотирасини ёдга олиш, кексаларни қадрлаш йўлида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Ҳудуддаги 116 нафар уруш фахрийсига Президентимизнинг пул мукофотлари тантанали равишда топширилгани, жойларда улар билан учрашувлар ўтказилгани бунинг тасдиғидир.

9 май куни эрта тонгдан Гулистондаги Хотира майдонига уруш ва меҳнат фахрийлари, маҳаллий ҳокимлик ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари ташриф буюриб, Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйишди. Шу куни кекса отахон ва онахонларга "Наврўз" тўйхонасида зиёфат берилиб, концерт дастури намойиш этилди.

Байрам тадбирларида вилоят ҳокими О. Ашурматов иштирок этди.

**ҚАШҚАДАРЁ вилояти**да ҳозирги вақтда 477 нафар уруш қатнашчиси ва 13500 нафардан зиёд меҳнат фахрийси умргузаронлик қилмоқда. Ўз меҳнати билан юрт тараққиётига ҳисса қўшиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган бу кишиларга алоҳида ҳурмат кўрсатилаётир. Зотан, хотира ва қадрлаш моҳиятида инсон, унинг ҳаёти, шаъни ва қадр-қимматига бўлган чексиз эъзоз, меҳр-мурувват, саховат сингари олижаноб фазилатлар мужассамдир.

(Давоми 2-бетда).

# Чжэцзяндаги тақдимот Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятларига бағишланди

*Яқинда Хитойнинг Жануби-шарқий қисмида жойлашган Чжэцзянь провинциясида Ўзбекистон иқтисодий ва сармоявий салоҳиятининг тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ижтимоий-сиёсий ва ишбилармон доиралар, шунингдек, Пекин ва Шанхайда аккредитациядан ўтган дипломатик корпуслар вакиллари қатнашди.*

## Биз ва жаҳон

Тақдимот чоғида иштирокчилар Ўзбекистон иқтисодиётининг устувор йўналишлари, юртимизда хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар ҳақидаги батафсил маълумотларга эга бўлишлари баробарида, Ўзбекистон — Хитой ҳамкорлигининг бугунги ҳолати ва истиқболлари юзасидан ҳам ўзаро фикр алмашдилар. Тадбирда мамлакатимизда Хитойнинг қатор компаниялари фаолият юритаётгани, жумладан, Чжэцзянь провинциясининг Сирдарё вилоятида сопол плитка ва чарм пойабзаллар ишлаб чиқариш бўйича қўшма лойиҳани ҳаётга татбиқ этган "Пенг Шен" компанияси муваффақиятли сармоявий ҳамкорлик олиб бораётгани таъкидланди.

Маълумки, изчил ривожланаётган саноатга эга бўлган Ўзбекистон хорижлик сармоядорлар учун катта ва салоҳиятли бозор ҳисобланади.

(Давоми 3-бетда).




# ЮКСАК ҲУРМАТ ВА ЭҲТИРОМ ИФОДАСИ

Тадбирда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов иштирок этди.

**ХОРАЗМ**ликлар ҳам бу қутлуғ айёмни бугунги фаровон кунларга шукроналик руҳияти билан кутиб олдилар. Урганчдаги Хотира майдонига йиғилганларни вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи П. Бобожонов байрам билан муборакбод этди. Фахрийлар, вилоят фаоллари ва кенг жамоатчилик Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш маросимида иштирок этдилар. Урганчдаги "Осиё" тўйхонасида нуронийлар учун байрам дастурхони ҳам ёзилди.

Таъкидлаш жоизки, бошқа вилоятларда бўлгани каби, Хоразмда ҳам уруш қатнашчилари Президент Фармони асосида пул мукофотлари билан тақдирланди. Шунингдек, уларга озиқ-овқат, саноат моллари ва уруш ва меҳнат фахрийлари, талаба ёшлар, ўқувчилар, корхона ва ташкилотлар фаоллари Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишди.

Вилоятдаги "Самарқанд" ресторанида уруш ва меҳнат фахрийлари тўкин дастурхон теграсида суҳбат қурдилар. Уруш қатнашчилари ҳамда нуронийлар суронли йиллар хотираси ва бугунги кунлар қадр-қиммати ҳақида йиғилганларга сўзлаб беришди. Таниқли санъаткорлар ва ҳаваскор гуруҳлар ижросида тинчликни, она-Ватанни, дўстликни, меҳр-оқибатни улуғлайдиган куй-қўшиқлар янгради.

Тадбирда вилоят ҳокими З. Мирзаев иштирок этди.

Умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни арафасида **НАМАНГАН вилояти**нинг шаҳару қишлоқларида уруш ва меҳнат фахрийларини йўқлаб, уларга эъзоз ва эътибор кўрсатиш билан боғлиқ эзгу тадбирлар янада кенг тус олди. Маҳаллалар фаоллари, меҳнат жамоалари раҳбарлари, ёшлар, жамоат ташкилотлари вакиллари уруш қатнашчилари хонадонларига гулдасталар ҳамда совға-саломлар билан ташриф буюриб, алоҳида эҳтиром кўрсатишди.

— Бизни ҳурмат қилиб келганлар пойқадами билан хонадонимиз тўйхонага айланди, — дейди Наманган шаҳрида яшовчи уруш ва меҳнат фахрийси Турғунбой ота Мансуров. — Зеро, кўрсатилаётган эътибор, Юртбошимизнинг юксак ғамхўрлиги, Ватан олдидаги, озми-кўпми, меҳнатимиз эътирофи кишига тетиклик бағишлайди, кўнгилни ёшартириб юборади.

Вилоят марказидаги Хотира майдонида уруш қурбонларини хотирлаш маросими бўлиб ўтди. Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйилди. Маҳаллалар, меҳнат жамоаларида эса байрам дастурхони ёзилиб, кекса авлоднинг ёшлар билан мароқли суҳбати ташкил этилди.

Тадбирда Наманган вилояти ҳокими Б. Юсупов иштирок этди.

9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида **СУРХОНДАРЁ вилояти**да истиқомат қилаётган 395 нафар уруш қатнашчисига Президентимиз Фармонига асосан, бир марталик пул мукофотлари тантанали равишда топширилди.

Шунингдек, вилоят ва туман фаоллари ҳамда ёшлар уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларига ташриф буюриб, уларга совға-саломлар улашишди, нуронийларга юксак эҳтиром кўрсатилди.

Байрам тадбирларида отахону онахонлар, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, талабалар Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар.

— Аввало, осойишта, инсон азиз саналган юртда яшаётганимнинг ўзи катта бахт, — дейди термизлик 96 ёшли отахон, уруш ва меҳнат фахрийси Соҳибжон Рўзиев. — Бундай тинч-тотув кунларга осонликча етиб келганимиз йўқ. Шунинг учун тинчликнинг қадрига етиш энг асосий бурчдир. Яратганга шукр, бугун гўзал замонда яшаяпмиз. Айниқса, ёшларимизнинг бахту иқболини кўриб, ич-ичимдан қувонаман. Шуларга уйғун тарзда биз — кекса авлод вакиллари ҳам ҳамиша ардоқдамиз.

Байрам тадбирларида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Н. Чориев иштирок этди.

**ТОШКЕНТ вилояти**да ҳам 9 май — Хотира ва қадрлаш куни кенг нишонланмоқда. Президентимиз Фармони асосида вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида мазкур санага бағишлаб ўқувчилар, талабалар, уруш ва меҳнат фахрийлари иштирокида уч авлод учрашувлари ўтказилди. Давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари вилоятда истиқомат қиладиган 750 нафар уруш қатнашчиси хонадонларига ташриф буюриб, уларга пул мукофотлари ҳамда ҳомийларнинг совға-саломларини топширдилар.

Ўрта Чирчиқ туманидаги Хотира майдонида уруш ва меҳнат фахрийлари, таълим муассасалари ўқувчилари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, маҳаллалар фаоллари иштирокида байрам тадбири бўлиб ўтди. Маросимда сўзга чиққанлар бугунги тинч ва осойишта ҳаётимизнинг қадрига етиш, шукроналик туйғусини ҳис қилиш, уруш ва меҳнат фахрийларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида сўз юритди.

Тадбирда вилоят ҳокими Р. Холматов иштирок этди.

Дарҳақиқат, хотира — муқаддас, қадр — абадий. Уруш ва меҳнат фахрийларини қанча ардоқласак, шунча оз. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз улардан умрбод қарздормиз. Бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, баҳоли қудрат узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шарт-шароитни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Зеро, бу ҳар биримизнинг кундалик бурчимиздир.

**«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.**

*9 май — Хотира ва қадрлаш кунига бағишланган тадбирлар, шунингдек, Фарғона, Жиззах вилоятларида ҳам кўтаринкилик билан нишонланди.*

# Меҳру мурувват, саховат айёми

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Истиқлол туфайли кексаликнинг мана шундай гўзал сururидан баҳрамандмиз, — дейди қаршилик уруш қатнашчиси Ганжум Расулов. — Бизга мана шундай беқиёс меҳр кўрсатаётган, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётган Президентимизга мингдан-минг раҳмат.

9 май куни Қарши шаҳридаги Хотира майдонида ташкил этилган тантанали маросимда ана шу эзгу анъана давом эттирилди. Унда элимизнинг минг-минглаб фидойи фарзандлари руҳи ёд этилди, орамизда яшаётган азиз ва мўътабар фахрийларга ҳурмат бажо келтирилди.

Мотамсаро она ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйиш маросимида нуронийлар, вилоят фаоллари, кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.

Маросимда вилоят ҳокими Т. Жўраев иштирок этди.

9 май куни тонг саҳардан **БУХОРО шаҳри**даги Марказий истироҳат боғида нуронийлар учун бир пиёла чой ташкил қилинди.

Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, ёшлар иштирокида Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

— Инсон учун тинчлик ва тотувликдан кўра қадрлироқ неъмат йўқ, — дейди бухоролик уруш ва меҳнат фахрийси Жунайдилло Олимов. — Мана шундай дориламон кунларга етказгани учун Яратганга шукр. Юртбошимизнинг биз, кекса авлод вакилларига кўрсатаётган ғамхўрлигидан бошимиз осмонда. Илоҳим, ҳурртриятимиз мангу, Президентимиз соғу саломат бўлсинлар.

совғалар бериш, саломатликларини тиклашлари учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар, дори-дармонлар ажратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

— Бундай юксак ҳурмат ва ғамхўрликдан биз қувонмай, ким қувонсин?! — дейди гурланлик уруш фахрийси Раззоқ Ҳасанов. — Мана шундай озод ва обод Ватанда кексалик гаштини сураётганимдан жуда-жуда бахтиёрман.

9 май куни эрта тонгдан **НАВОИЙ вилояти** марказидаги Хотира майдони одамлар билан гавжум бўлди. Бу ердан Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирасига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ниятида келган ҳамюртларимиз қадами узилмади.

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, кексаларга катта эҳтиром кўрсатилаяпти, — дейди карманалик уруш қатнашчиси Қодир Мардонов.

Бугун табаррук тўқсонинчи баҳорни қаршилаётган отахоннинг юзу кўзида шукроналик, миннатдорлик ва самимият нур сочиб турганини айтмайсизми?!

Маросимда вилоят фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда нуроний отахону онахонлар иштирокида Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилди.

Шундан сўнг уруш ва меҳнат фахрийларига байрам дастурхони ёзилиб, концерт дастури уюштирилди.

Тадбирда вилоят ҳокими Э. Турдимов иштирок этди.

**САМАРҚАНД вилояти**да 670 нафардан зиёд уруш қатнашчиларига иззат-икром кўрсатилди. Уларнинг ҳар бирига вилоят ҳокимлиги томонидан қимматбаҳо совғалар улашилди. Вилоятдаги Хотира майдонида

## Шукроналик

*Бугун биз билан ёнма-ён яшаб, шу бахтли кунларимиз завқу шавқидан бирга баҳраманд бўлиб келаётган уруш ва меҳнат фахрийлари, нуроний отахон ва онахонларимизни ҳар қанча эъзозласак, шунча кам. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, биз ана шу юртдошларимиз олдида умрбод қарздормиз. Биз бу фидойи инсонларни янада кўпроқ қадрлашимиз, уларга нафақат байрам кунларида, балки ҳар куни, ҳар соатда ҳурмат-эҳтиром кўрсатишимиз зарур. Уларнинг умрини қўлимиздан келганча, имкон қадар узайтиришга, мазмунли қилишга, бунинг учун барча шароитларни яратиб беришга ҳаракат қилишимиз керак. Ана шу даъватдан ибрат ва ғайрат олиб хайрли ишларга қўл ураётган, кекса авлод вакилларига меҳр-мурувват кўрсатишни кундалик юмушга айлантирган юртдошларимиз сафи тобора кенгайиб бораяпти. Таҳририятимизга келаётган мактублар, дил сўзлари билан танишиб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилишингиз мумкин.*

# Эзгулик қадри

**Баҳодир МУСАХОНОВ, Қибрай тумани "Байтқўрғон" қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги "Нуроний" жамоатчилик кенгаши раиси:**

— Қариси бор уйнинг париси бор, дейдилар. Бу жиҳатдан қишлоғимиз ҳавас қилгулик. Яқинда ҳисоблаб кўрсак, бизда 70 ёшдан ошган пиру бадавлатларимиз сони 500 нафарга яқинлашиб қолибди. Шу сабаб бўлди-ю, уларнинг ҳаммаларини байрам арафасида бир дастурхон атрофига тўплаш фикри туғилди. Бу ташаббусни фаолларимиз, тадбиркору фермерларимиз қўллаб-қувватлашди. Шу куни қишлоғимиздаги "Абдуҳамид ота" гузари тўйхонага айланиб кетди. Кўпнинг ҳиммати билан улар учун эсдалик совғалари ташкил қилдик. Биз бу даврани "шукроналик" деб атадик. Унда кексаларимиз бугунги дориламон кунларимизга кўз тегмасин, халқимизнинг тинч ва фаровон ҳаёти учун катта-катта ишларга бош-қош бўлаётган Президентимиз омон бўлсинлар, дея дуога қўл очдилар.

**Баҳром РИЗОҚУЛОВ, меҳнат фахрийси, Касби тумани, Фазли қишлоғи:**

— Меҳнат инсонни улуғлайди, деган ҳикматнинг туб моҳиятини умрим давомида кўп бор англаганман. Негаки, туманимиздаги 44-умумтаълим мактабида қирқ йилдан зиёд ўқитувчи бўлиб ишладим: даставвал география фанидан, кейинчалик малака оширгач, иқтисодий билим асосларидан ёшларга сабоқ бердим. Таълим соҳасига татбиқ этилган қатор мақсадли дастурлардан руҳланиб, янгича педагогик услубларга оид бир неча илмий мақолалар ва китоблар нашр эттиришга муваффақ бўлдим. Бу меҳнатларим юксак қадрланди. Президентимиз Фармонига мувофиқ, 2000 йилда I даражали "Соғлом авлод учун" ордени билан тақдирландим.

Касбимни ниҳоятда севганим боисми, бугун фарзандларимнинг 4 нафари шу соҳада фаолият кўрсатмоқда. Минг шукрки, улар ҳам фидойилик билан меҳнат қилиб, юрт равнақи ва ёш авлод камолотига муносиб ҳисса қўшишга интилаяптилар.

...Анъанага мувофиқ, бу йил ҳам Хотира ва қадрлаш куни арафасида вилоятимиз бўйлаб Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва меҳнат фахрийлари иштирокида икки авлод учрашувлари ўтказилди. Биз, фахрийлар таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларга таклиф этилдик. Ёшлар билан мулоқот қилиб, мустақиллик, тинчлик энг азиз неъмат эканлиги, ҳозирги осуда ҳаётимизнинг қадрига етиш лозимлиги ҳақида панду насиҳатлар қилдик, ҳаётий тажрибаларимиз, хулосаларимиздан мисоллар келтирдик. Зеро, ёшлар қалбида юртга садоқат ҳиссини шакллантириш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Маснавий ҲАМИТОВ, уруш ва меҳнат фахрийси, Янгиер шаҳри:**

— Кексаликнинг гашти ўзгача бўларкан. Ёшим тўқсонга яқинлашиб қолган бўлса-да, ҳали бардамман. Истиқлол неъматларидан баҳраманд бўлиб, ҳар қадамда ғамхўрлик, ҳурмат-эътибор, иззат-икромни ҳис қилиб яшаяпмиз. Байрамлар, турли эсда қоларли саналарда хонадонимиз нурга тўлиб кетади. Йўқловчилар, ҳол сўровчиларнинг кети узилмайди. Хусусан, Хотира ва қадрлаш кунида дўсту ёрлар билан дийдорлашамиз, ўтганларни ёдга оламиз.

Куни кеча Юртбошимизнинг пул мукофотини, вилоят, шаҳар ҳокимликлари томонидан ажратилган қимматбаҳо совғаларни қабул қилиб олдик. Коллеж ва мактабларда ўқувчи-ёшлар билан учрашдик. Уларга Ватанни ардоқлаш, яхши ўқиш, тинчликни асраб-авайлаш ҳақида насиҳат қилдик.

**Ҳамза АТАБОЕВ, Урганч академик лицейи ўқитувчиси:**

— Лицейимиз ҳарбий-ҳуқуқшунослик йўналишига ихтисослаштирилган. Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан бу ерда махсус тадбирлар режасини ишлаб чиқдик. Шунга мувофиқ, ўқувчилар ўртасида спорт мусобақалари ўтказилди. Гуруҳлардаги маънавият дарслари Хотира ва қадрлаш кунига бағишланди. Уруш фахрийлари иштирокида учрашув ташкил этдик. Бу тадбир ўқувчиларимизда катта таассурот қолдирди. Айниқса, кексалар тилидан янграган шукроналик туйғулари ёшлар учун чинакам ибрат мактаби бўлди.

## Дил сўзи

*Бу йил 92 баҳорни қаршиладим. Умрим давомида қанчадан-қанча синовларни бошдан ўтказдим, ҳаётнинг пасту баландига гувоҳ бўлдим. Афсуски, айни ўйнаб-куладиган ёшлик давримиз уруш йилларига тўғри келди. Жуда кўп қийинчиликларни кўрдик, очарчиликдан азият чекдик. У кунларни эслашнинг ўзи жуда оғир...*

# Нурафшон кунларга етганимиздан бахтиёрмиз

Йиллар ўтди, замонлар ўзгарди. Яратганга беадад шукрлар бўлсинки, Юртбошимизнинг мардлиги, жасорати билан юртимиз мустақилликка эришиб, барчамизнинг елкамизга офтоб тегди. Турмушимизга барака кирди, кексаю ёш бирдек ардоқланди. Шу боис мен ҳам ўзимни энг бахтиёр инсонлардан бири деб биламан. Ахир бугунгидек дориламон кунларни кўришни кимлар орзу қилмаганди дейсиз?

Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни юртимизда катта байрам сифатида нишонланади. Мана шундай дамларда хонадонларимизга йўқлаб келувчилар ҳам ҳар қачонгидан кўпаяди. Маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари билан бир дастурхон атрофида жам бўлиб, юртимиздаги улкан ўзгаришлар, одамларимизнинг ҳаётида рўй бераётган янгиликлар ҳақида дилдан суҳбатлашамиз. Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида"ги Фармони биз, кексаларга кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Етти фарзандни тарбияладим. Улар ўзларидан кўпайиб, уйли-жойли, ишли бўлишган. 19 набирам, 9 чеварам бор. Хонадонимизга тўпланишса борми, уйимиз гўё тўйхонага айланиб кетади. Уларнинг ўйин-кулгисини кўриб, ич-ичимдан қувониб ўтираман. Бахтларига кўз тегмасин, дейман. Насиҳат қилганда эса "Мустақилликнинг, тинчликнинг қадрига етинглар, яхши ўқиб, юртимизга содиқ фарзанд бўлинглар", дея уқтираман.

Бизни ўйлаётган, иззат-ҳурмат кўрсатаётган Юртбошимиз барака топсинлар, доимо соғ-омон бўлсинлар. Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган ишларида Яратганнинг ўзи доимо қўлласин.

**Султон АБДУРАҲИМОВ, уруш ва меҳнат фахрийси.**
Урганч шаҳри

# Саодатга йўғрилган лаҳзалар

*Ҳаётда кўпни кўрган, турмушнинг аччиқ-чучугини тотган кексаларнинг эзгу тилакларию дуолари инсониятни ҳамиша эзгуликка чорловчи, тинчлигу осойишталикнинг нақадар буюк неъмат, унинг қадрига етиш, кўз қорачиғидек асраш энг муқаддас бурч эканлигини янада чуқур англаб етишга ундовчи ўчмас машъаладир.*

## Фахр

Бинобарин, истиқлол йилларида Юртбошимиз томонидан уруш ва меҳнат фахрийлари мудом эъзозланиб, уларга беқиёс эҳтиром кўрсатиб келинмоқда.

Мамлакатимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, уруш қатнашчиларини моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш бу борадаги улкан эътибор ҳамда халқимизга хос эзгу ғамхўрликнинг ҳаётий инъикосидир.

Раҳмат Тўхтаев ана шундай юксак ҳурмат ва меҳрдан баҳраманд бўлиб, тинч-тотув ҳамда дориламон кунларда аҳил ва обод оиласи даврасида умргузаронлик қилаётган отахонларимиздан биридир.

— Энг катта орзуимиз истиқлолга етишиш эди, — дейди Раҳмат ота. — Мана, ана шундай ёруғ кунларга ҳам етдик. Мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб элу юрт ардоғидамиз. Кексаларни қадрлаган, уларни доим қўллаб-қувватлаб келаётган давлатимиз раҳбаридан чексиз миннатдормиз.

Инсон учун фарзандини Ватанга муносиб қилиб вояга етказишдан ортиқ бахт борми?!

— Яратганга минг бора шукр, бугун ўғил-қизларимнинг ҳаммаси уйли-жойли, ҳаётидан мамнун, турмуши фаровон, — дейди у. — Бири-биридан ширин, бири-биридан одобли ва ақлли ўн беш нафар неварам бор. Шу кунларда ўттизинчи эварамизни кутаяпмиз. Хуллас, бағримиз янада тўлишади. Бундай шукуҳли кунлардан қувонмай бўладими? Яна Тошкентимизнинг йилдан-йилга чирой очиб бораётгани, кўркам бинолар қад ростлаётганини кўриб, бирам қувонаман, бирам яйрайман, асти қўяверасиз. Шафқатсиз уруш йиллари даҳшатлари эсдан чиқиб, худди болалардек беғубор тортиб, ёшариб қолгандек бўлар экан киши.

Шундай пайтда отахоннинг ажин тўла юзлари янада ёришиб кетади, чеҳрасида миннатдорлик ва шукроналик нурлари балқийди.



**Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» мухбири. Шомурот ШАРАПОВ олган сурат.**

# Ободлик ва фаровонлик – азиз неъмат

*Ота-боболаримиз тинчлик, тотувлик, хотиржамлик энг улуғ неъмат, олий саодат эканлигини ҳамиша таъкидлаб келишади.*

*Менинг отам Исоқ Норбеков ҳам ҳар гал "Осмонимиз мусаффолигига кўз тегмасин. Мана шундай дориламон кунларга етганимиз учун шукр. Юртимиз ободлиги, халқимиз фаровонлиги мустаҳкам бўлаверсин", дея ният қилади.*

## Ғурур

Мустабид тузум даври даҳшатларини эслар экан, бугунги ҳурриятимиз нақадар қадрли эканлиги, уни кўзга тўтиё айлаб асраб-авайлаш лозимлигини биз, фарзандлари, невараларига мудом уқтирадилар. "Тинчликнинг, тўқчиликнинг қадрига етинглар", дейишни асло канда қилмайдилар.

Юртимизда ҳар йили 9 май — Хотира ва қадрлаш куни арафасида Президентимиз Фармонига кўра, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари рағбатлантирилади. Падари бузрукворим ҳам ана шу эътибор, эъзозу эҳтиромдан ҳар йили баҳраманд бўлар экан, кўзига ёш олиб, Яратганга беадад шукроналар келтиради. Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган юксак меҳру оқибатдан чексиз қувонади.

У киши оила даврасида, тўкин дастурхон устида бизларни эзгу ва яхши юмушларга чорлайдилар.

— Халқимизнинг "Умр — ғаниматлари бор, болам. Шунинг учун бугунги ҳаётимизни обод қилиш, ёшларимиз етук инсонлар бўлиб вояга етишлари учун берилаётган имкониятлар, шарт-шароитлардан оқилона фойдаланиш ёшу кексанинг бурчидир, — дейдилар жилмайиб.

Ишончим комилки, кексаларни ардоқлаган, кўкларга кўтарган ва насиҳатларига қулоқ тутганларнинг иши бароридан келади, ҳеч ҳам кам бўлмайди.

**Жуманазар НОРБЕКОВ, Гулистон шаҳар болалар спорт мажмуасининг футбол бўйича мураббийси.**

# Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясининг магистратурасига 2012/2013 ўқув йили учун тингловчиларни қабул қилиш тўғрисида ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси (кейинги матнда — академия) “Давлат бошқаруви” (Master of Public Administration — MPA) ва “Ижтимоий бошқарув” (Master in Public Sector Management — MPSM) ихтисосликлари бўйича магистратурага ҳужжатлар қабул қилиш бошланганлигини маълум қилади.

Академия давлат ва хўжалик бошқарув органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти бошқарув кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича таянч давлат олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Икки йиллик ўқув дастури якунига асосан, тингловчилар магистр унвони ва давлат намунасидаги диплом билан тақдирланади.

Академия магистратурасига 40 ёшгача бўлган олий маълумотли, камида уч йиллик бошқарув тажрибасига, иш жойидан ижобий тавсифномага, чет тили (инглиз тили) билимига, ахборот-коммуникацион технологиялар бўйича малакага эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Магистратурага кириш синовлари тест шаклида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат тест маркази томонидан қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади: Ўзбекистон тарихи; Демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш назарияси ва амалиёти асослари; Давлат ва ҳуқуқ асослари; Иқтисодиёт ва менежмент асослари.

Академия магистратурасида ўқиш грант ва пуллик-контракт шартлари асосида амалга оширилади. Ўқиш даврида Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардан келган тингловчилар яшаш учун тураржой билан таъминланади.

**Номзодлар қабул қилиш комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

— ихтисослик кўрсатилган ҳолда ректор номига ариза;

— олий маълумот тўғрисидаги ҳужжат ва унинг иловаси асл нусхаси;

— белгиланган тартибда тасдиқланган меҳнат дафтарчаси нусхаси;

— иш жойидан тавсифнома;

— 3,5х4,5 ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

— 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома;

— паспорт нусхаси ва ҳарбий мажбуриятга муносабат ҳақидаги ҳужжатнинг асли ва нусхаси.

Қабул комиссияси ҳафтанинг душанба кунидан шанба кунигача соат 09:00 дан 18:00 га қадар ишлайди.

Ҳужжатлар 2012 йилнинг 15 майидан 15 июнигача қабул қилинади.

*Таълим дастурлари бўйича тўлиқ маълумот олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат этишингиз мумкин:*
*Тошкент шаҳри,*
*Ўзбекистон кўчаси, 45-уй, тел.:*
*(+99871) 232-6056,*
*факс: (+99871) 232-6143 e-mail:*
*qabul@dba.uz, web:www.dba.uz*

# Малакали кадрлар — юрт келажаги

*Бугунги кунда мамлакатимизда ёшларга катта эътибор қаратилмоқда. Уларнинг ўқиб-ўрганишлари, етук мутахассис сифатида ўз йўналишлари бўйича меҳнат қилишлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилгани бунинг далилидир.*

## Анжуман

Маълумки, Тошкент молия институти республикамиз молия-банк соҳасини малакали кадрлар билан таъминловчи нуфузли олий таълим муассасаларидан бири ҳисобланади. Бу ердаги юқори илмий салоҳият, моддий-техник базанинг мустаҳкамлиги замон талабларига мос мутахассислар тайёрланишига замин яратмоқда.

Куни кеча мазкур институтда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган тадбирда ана шу кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш, битирувчиларни иш билан таъминлаш масалалари хусусида сўз юритилди.

Таъкидландики, Тошкент молия институти иқтисодиётнинг турли тармоқлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш, битирувчиларнинг келгуси фаолиятини кузатиш борасида муайян тажрибага эга. Ушбу ўқув даргоҳида жорий йил бошидан буён битирувчи курс талабалари учун 80 га яқин тақдимот тадбирлари уюштирилгани ана шундан далолат беради.

Тадбир асносида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, “Қишлоқхўжаликкимё” очиқ акциядорлик жамияти, республика Товар-хом ашё, “Тошкент” фонд биржалари, Аудиторлар палатаси, суғурта компаниялари, тижорат банклари, ўрта махсус касб-ҳунар таълими муассасалари каби ташкилотлар иштирокида уюштирилган навбатдаги меҳнат ярмаркаси ҳам битирувчиларга кенг имкониятлар яратиши, шубҳасиз.

Айниқса, институтда жорий йилнинг 7 майидан бошлаб “Карьера ҳафталиги” ўтказилаётгани диққатга сазовор. Чунки 10 майга қадар давом этадиган мазкур ҳафталикда 1700 нафар битирувчи нафақат юртимиз корхона ва ташкилотлари фаолияти ҳақида батафсил маълумот олади, балки ишга қабул қилиш бўйича шартномалар тузишга ҳам муваффақ бўлади.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Чжэцзяндаги тақдимот Ўзбекистоннинг иқтисодий муваффақиятларига бағишланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Навоий шаҳридаги аэропорт базасида Жануби-шарқий Осиё ва Европа ўртасида кўприк сифатида хизмат қилгани ҳолда, барча турдаги транспорт хизматини тақдим этиши мумкин бўлган логистика марказининг ишга туширилишига доир маълумотлар тақдимот қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

**Чжэцзянь провинциясининг Тайчжоу шаҳри вице-мэри Чжао Юэцзин** Ўзбекистон 20 йиллик мустақил тараққиёти мобайнида Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ҳайратланарли иқтисодий ютуқларга эришганини, мамлакатимиз ривожланишнинг пухта ўйланган моделига ҳамда миллий манфаатлар ва менталитет ҳисобга олинган аниқ ислоҳотлар дастурига эга бўлгани боис дадил иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини қайд этаётганини билдирди.

Чжао Юэцзиннинг фикрича, давлатимиз раҳбарининг “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасини ташкил этиш ҳамда “Ангрен” махсус индустриал зонасини барпо қилиш тўғрисидаги фармонлари, ишга туширилиши режалаштирилаётган Ўзбекистон — Хитой Юқори технологиялар саноат паркиги глобал иқтисодий бўҳрон ва инқироз таҳдидига муносиб жавобдир.

Унинг айтишича, солиқ соҳасидаги ва бошқа турдаги имтиёзларга эгалиги билан хорижий сармоядорларни жалб этадиган ана шундай иқтисодий зоналарни ривожлантириш орқали Ўзбекистон янада кўпроқ муваффақиятларга эришади, савдо кўрсаткичлари ҳамда валюта тушуми бирмунча ортади. Негаки, бу ерда ишга туширилаётган йирик инфратузилма объектлари тез орада ўз самарасини бериши, шубҳасиз.

**Тайчжоу Тараққиёт ва ислоҳотлар масалалари бўйича қўмитаси директори Чжан Руймин** таъкидлаганидек, Президент Ислом Каримов томонидан юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор мамлакатнинг босқичма-босқич жаҳон бозори муҳим иштирокчисига айланишини таъминлаши баробарида, “Ўзбекистон бренди”ни халқаро майдонда илгари суришга ҳам имкон берадики, булар ҳар томонлама асосланган ислоҳотларни амалга ошириш жараёни муваффақиятли кечаётганидан яна бир далолатдир. “Европа ва Осиёдаги етакчи компанияларнинг Ўзбекистонда юк машиналари, автобус ва автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича ўз корхоналарини очишга интилаётгани уларнинг мамлакатдаги сиёсий ва иқтисодий барқарорликка бўлган комил ишончи намойишидир”, деди Чжан Руймин.

**«Жаҳон» АА.**

## Хабар

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАРНИНГ НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2012 ЙИЛ 28 АПРЕЛДАН 4 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.**

***I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:***

1. «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини тайёрлаш ва қабул қилиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 30 апрелдаги 94-мҳ-сонли буйруғи.*

**2012 йил 30 апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1905-2 (2012 йил 10 майдан кучга киради).**

2. «Солиқ маслаҳати миллий стандарти (1-сонли СММС) «Солиқ маслаҳати бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида шартнома тузиш тартиби»ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2012 йил 29 мартдаги 31-сонли буйруғи.*

**2012 йил 3 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2357 (2012 йил 13 майдан кучга киради).**

3. «Давлат акциялар пакети (улушлари)ни ишончли бошқарувга бериш бўйича танловлар ўтказиш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2012 йил 5 апрелдаги 01/12-18/08-сонли қарори.*

**2012 йил 4 майда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1410-4 (2012 йил 14 майдан кучга киради).**

## Реклама ва эълонлар

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Сурхондарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

**Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:**

**I.** ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 5 ноябрдаги 2-111-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов тумани, «Қизилжар» ҚФЙ, К. Хандалов маҳалласидаги майдони 3050,0 кв.м., 2 қаватли, 10 хонадан иборат, 2006 йилда қурилган «Дилором» номли болалар боғчаси (ҳозирги кунда С. Истамов номида бўлган яшаш-уй) арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 599 662 440 сўм.

**II.** Денов тумани СИБ томонидан, ЖИБ Сурхондарё вилояти судининг 2010 йил 11 майдаги 2-126-10-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Денов шаҳри, Самарқанд кўчаси, 85-уй ва 87-уй манзилида жойлашган, майдони 1736,0 кв.м., 1 ва 2 қаватли, жами 50 хонадан иборат, 2006 йилда қурилиши бошланган яшаш уйи бино ва иншоотлари арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 369 494 309 сўм.***

**III.** Шеробод тумани СИБ томонидан, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2008 йил 23 июндаги 19-0804-2835-сонли ва 2010 йил 17 майдаги 19-1007/6418-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, «Таллашқон» ҚФЙ, Бойқишлоқ маҳалласи манзилидаги, «Пахтаобод техник муҳандис» ММТПга тегишли, майдони — 158,46 кв.м., 1 қаватли, жами 6 хонадан иборат А ва Б литерлардаги дала шийпони биноси бир қисми ошхона айвони билан арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 11 589 444 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 28 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 25 май куни соат 18.00.

**IV.** Аукцион савдосига Денов тумани СИБ томонидан, Сурхондарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 22 октябрдаги 19-1007/11843-сонли ва 2011 йил 5 апрелдаги 19-1106/154-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Сурхондарё вилояти, Охунбобоев «Сув истеъмолчилар уюшмаси», Янгиобод маҳалласи манзилидаги, Денов тумани ҳокимлиги ҳузуридаги «Деҳқон бозори қурилиши» дирекциясига тегишли, фойдали майдони — 649,82 кв.м., қурилиш ости майдони — 731,0 кв.м., 2009 йилда қурилиши бошланган, қурилиши тугалланмаган бино ва иншоотлар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 167 931 124 сўм.***

**Аукцион савдоси 2012 йил 11 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.**

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 8 июнь куни соат 18.00.

Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг АТБ «Савдогар» банки Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Хўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси. Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

764А/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ**

**Сирдарё вилояти филиали**

***бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!***

Аукцион савдосига Боёвут тумани СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14573 (27.1)-сонли, 2011 йил 9 декабрдаги 12-1101/14579 (27.1)-сонли, 2012 йил 13 апрелдаги 12-1201/5831 (27.1)-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, «Боёвутдавсувмахсуспудрат» давлат унитар корхонасига тегишли, Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Учтургон маҳалласи, Усмон Носир бўлимида жойлашган, умумий ер майдони 35527,0 кв.м., қурилиш майдони 3535,61 кв.м., фойдали майдони 3481,29 кв.м. бўлган 0022-литердан иборат, фойдаланишга яроқли идора ва ёрдамчи бинолар қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 1 193 882 880 сўм.***

Аукцион савдоси 2012 йил 12 июнь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 8 июнь куни соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон ш., «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: (8-367) 226-38-91. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz**

765R/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ** Сирдарё вилояти филиали

**бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Янгиер шаҳар СИБ томонидан, Сирдарё вилояти хўжалик судининг 2010 йил 8 апрелдаги 12-1003/2418 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 28 августдаги 12-1003/8098 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 17 сентябрдаги 12-1003/9185 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 7 октябрдаги 12-1003/1024 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 3 декабрдаги 12-1003/15210 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2010 йил 24 декабрдаги 12-1003/17363 (27.1)-сонли суд буйруғи, 2011 йил 29 апрелдаги 12-1003/3079 (27.1)-сонли суд буйруғи ва 2011 йил 13 январдаги 12-1003/63 (27.1)-сонли суд буйруғига асосан хатланган, Янгиер шаҳри, Ш. Рашидов маҳалласи, Яшил хиёбон ҳудудида жойлашган, қурилиш майдони 416 кв.м., фойдали майдони 1029,42 кв.м. бўлган 0001-литерли маъмурий бино, 0002-литерли омборхона, 0003-литерли ёрдамчи бино, 0004-литерли бостирма, 0005-литерли асфальт майдонидан иборат бино-иншоотлар такроран савдога қўйилмоқда.

***Бошланғич баҳоси — 209 283 278,4 сўм.***

***Аукцион савдоси 2012 йил 29 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.***

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

***Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2012 йил 25 май куни соат 18.00.***

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «KO‘CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сирдарё вилояти филиалининг ДАТ (ОАЖ) «Асака» банки Сирдарё филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904920609006, МФО: 00373, СТИР: 207122519.

**Манзил: Гулистон шаҳри, «Бизнес маркази» биноси, 3-қават, 58-хона. Телефон: ( 8-367) 226-38-91. www.1kms.uz**

762А/1441

*Лицензия: RR-0001.*

**«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК**

**ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.**

***(ҚҚС билан)***



**«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича**
Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420, Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

*Қувурлар Х42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.*
*Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.*

**Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм. Тўлов пул ўтказиш йўли билан.**

*2012 йилдаги эҳтиёжни йил чоракларига бўлиб беришингизни сўраймиз.*

130R/97

**Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94. Факс: (8-371) 241-31-94.**

**Б И Л Д И Р И Ш**

***«Халқ сўзи» газетасининг 2 майдаги 85 (5505)-сонида чоп этилган хабарномага асосан, «Ko‘chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Фарғона вилояти филиали томонидан 2012 йил 6 июндаги аукцион савдосига Қўштепа тумани СИБ томонидан қўйилган, ЖИБ Тошлоқ тумани судининг 2011 йил 24 декабрдаги 1-229-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қўштепа тумани, «Ўқчи» ҚФЙ, лойиҳадаги кўчада жойлашган, бошланғич баҳоси — 277 127 000 сўмлик уй-жойнинг аукцион савдоси тўхтатилганлиги маълум қилинади.***

**Асос: Суд департаменти Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 23 апрелдаги 2021/2-сонли хати. Тел.: (8-373) 224-68-69.**

763/1441

Сертификатланган



**SUVMASH**
**ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

ISO 9001:2008
Certifed Management System

**НАСОСЛАР**
тайёрлайди ва таъмирлайди







“ЭЦВ” РУСУМЛИ ҚУДУҚҚА МЎЛЖАЛЛАНГАН
“Д” РУСУМЛИ ЁТИҚ
“К” РУСУМЛИ ТАГЛИККА ЎРНАТИЛГАН
“НК” НЕФТЬ НАСОСЛАРИ
НАСОС СТАНЦИЯЛАРИ
шунингдек, уларнинг эҳтиёт қисмлари.

**Ўзбекистон Республикаси, 100182, Тошкент ш., Ҳусайн Бойқаро кўчаси, 13.**
**Тел.: (+99871) 295-13-00, 295-06-35, 295-06-37, 295-19-08. Факс: (+99871) 295-51-08.**
**E-mail: office@suvmash.uz; suvmash@mail.ru sales@suvmash.uz www.suvmash.uz**

622R/460
















## ОБ-ҲАВО

(10 май)



| | Тун | Кун | |
|---|---|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида | +13 +18 | +27 +32 | |
| Бухоро ва Навоий вилоятларида | +13 +18 | +27 +32 | |
| Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида | +13 +18 | +25 +30 | |
| Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида | +15 +20 | +27 +32 | |
| Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида | +13 +18 | +25 +30 | |
| Тошкент шаҳрида | +14 +16 | +28 +30 | |

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — М. Охунова.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 19.35 Топширилди — 20.35 1 2 3 4 5